



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МЕХАНИЗМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Хайитов Саиджон Бахтиёр ўғли -
ТДИУ таянч докторанти (PhD)

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a45](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a45)

Аннотация. Ушбу мақолада биз соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик механизмини қўллаш натижалари ва имкониятларини таҳлил қилдик. Аҳоли ижтимоий фаровонлигининг асосий қисми ҳисобланган соғлиқни сақлаш тизимида киритилган инвестициялар бўйича таҳлил қилдик. Давлат манфаатлари қанчалик ўзини оқлайди ва жамиятнинг эҳтиёжлари қондирилди? Шу каби саволларни мақоламизда кўриб чиқдик ва хулосамизни келтирдик.

Калит сўзлар: Давлат-хусусий шерикчилик, иқтисодий самарадорлик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳага инвестициялар, иқтисодий самара, хусусий капитал.

НАСКОЛЬКО АКТИВНО БИЗНЕС ПРИНИМАЕТ УЧАСТИЕ В ПРОЕКТАХ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Хайитов Саиджон Бахтиёр ўғли -
ТДИУ докторант (PhD)

Аннотация. В данной статье мы проанализировали результаты и возможности применения механизма государственно-частного партнерства в развитии сферы здравоохранения. Мы проанализировали инвестиции в систему здравоохранения, которая является основной частью социального обеспечения населения. Насколько оправданы интересы государства и удовлетворяются ли потребности общества? Подобные вопросы мы рассмотрели в нашей статье и сделали свой вывод.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, экономическая эффективность, здравоохранение, инвестиции в социальную сферу, частный капитал.

HOW ACTIVELY BUSINESS IS INVOLVED IN PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECTS IN THE HEALTH SECTOR

Khayitov Saidjon Bakhtiyor ogli -
TSUE PhD student

Abstract. In this article, we have analyzed the results and opportunities of applying the public-private partnership mechanism in the development of the health sector. We analyzed the investment in the health care system, which is a major part of the social welfare of the population. To what extent are the interests of the state justified and have the needs of society been met? We have considered similar questions in our article and drawn our conclusion.

Keywords: Public-private partnership, economic efficiency, Health, investment in the social sphere, economic efficiency, private capital.

Кириш. Дунё мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимида давлат-хусусий шерикчилик механизмини қўллаш тажрибаси амалда мавжуд ва етарлича. Давлатнинг тиббиёт соҳасида бизнес сектор билан ҳамкорликда ишлаши кўплаб холларда ўзининг ижобий самарасини берган. “Молиивий инқироз” даврида йирик рейтинг агентликлари Европа Иттифоқи мамлакатларига ушбу таклифни киритишди. Яъни соғлиқни сақлаш тизимида давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий инвестицияларни жалб этиш масаласи илгари сурилди. Яъни сифат ва назорат давлат қўлида, лойиҳаларни мақбул нархларда ва қўламда амалга ошириш вазифаси эса бизнес соҳа вакилларига топширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тиббий хизматлар сифати, уларнинг мавжудлигини таъминлаш, тиббий асбоб-ускуналар мавжудлиги, ком-

мунал инфратузилмани модернизация қилиш ва ходимларнинг малакасини ошириш имкони беради.

2020 йилда эса АФК “Система” қошидаги корхона коронавирус учун “Экспресс тест”ни ишлаб чиққанини маълум қилган эди. Хусусий клиникалар ва лабораториялар ўз худудларида синовларни ўтказишга тайёрлигини маълум қилди [1]. Бу бизнес соҳа вакилларининг коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун қўшилишининг бир мисолидир. Бизнесинг таҳлилларда соғлиқни сақлаш соҳасида ДХШ лойиҳаларини ривожлантиришда бизнес қанчалик фаол иштирок этаётганини ва тиббиёт инвесторларининг қайси тармоқларини афзал кўришларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Адабиётлар шарҳи. Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ри-

вожлантириш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда.

Пандемия билан боғлиқ вазият соғлиқни сақлаш тизимидаги яширин муаммоларни яққол намоён қилди ва дарҳол қарор қабул қилишни талаб қилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий тиббиёт муассасалари сонининг кўпайиши мажбурий тиббий суғурта тизими тижорат клиникаларида қизиқиш уйғотаётганидан далолат беради.

Рус олими Третьякова Екатерина Петровна ўзининг “Равовые барьеры для развития медицины через ГЧП - Актуальные вопросы современного правотворчества” номли мақоласида [2]: “...тиббий ёрдам сифатини ошириш ва инвестицияларни жалб этиш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг мавжуд ҳуқуқий шаклларида фойдаланиш мумкин”, – дейди. Яъни аҳолининг ижтимоий талабларини қондиришдаги мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини айтади. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва мукамаллаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида ДХШ механизмини кенг қўллаш масаласини илгари суради.

Шу билан бирга, Е.Третьякова таклиф этилаётган бозорда мавжуд информацион технологиялар (рақамли ва дастурли) маҳсулотлар билан таъминланиши масалалари ДХШ лойиҳаларида ҳал этилишини таъкидлайди.

Бундан ташқари Белорусь тиббиёт ходимлари – Руслан Довнар, Валентина Коврей ДХШнинг тиббиёт соҳасидаги йўналишларини кўриб чиққан. Соғлиқни сақлаш соҳасида жаҳон амалиётида кенг тарқалган ДХШнинг қуйидаги йўналишларини таъкидлаш зарур: [3]

– дори воситаларининг янги турларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– фармацевтика маҳсулотларига киришни кенгайтириш (дорихоналар тармоғини ва уни ишлаб чиқарувчи компаниялар сонини кўпайтириш);

– тиббий хизмат сифатини яхшилаш (шифоналар, даволаш марказлари, санаториялар ва шу кабиларни ривожлантириш, шунингдек, уларни замонавий ускуналар билан таъминлаш, илғор технологияларни тарқатиш);

– тиббиёт муассасалари ўртасида ахборот алмашинувини такомиллаштириш ва унга киришни осонлаштириш;

– соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш ва ушбу соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш.

Россиялик олим В.С.Нечаев ҳам ўзининг илмий фаолияти давомида ДХШ механизми ва соғлиқни сақлаш тизимида методологик ёндашув масалаларини ўрганган. В.С.Нечаев: “Соғлиқни сақлаш тизимида ўсиб бораётган молиявий эҳтиёжлар ва уни қоплаш учун ресурслар-

нинг етишмаслиги соҳанинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Мавжуд чекланган ресурслар самарали ўзлаштирилиши учун илмий маълумотлар базаси ва далилларга асосланган тиббиётдан фойдаланмасдан молиявий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Яъни тиббиёт соҳасига ёт бўлган тадбиркорни бу соҳада шерик қилиш хатодир”, – деб таъкидлайди[4].

Шу билан бирга, Патрик Т.И. Лам, Венжинг Янг (Patrick T.I. Lam, Wenjing Yang) тадқиқот натижаларида шуни кўрсатадики, барча лойиҳалар ҳам ДХШ шаклига мос келавермайди ёки самарасиз бўлади. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги қарорлар қабул қилишдаги қарашлар турлича бўлиши мумкинлиги ва қайси лойиҳаларда ДХШ механизмини қўллаш тўғрисида фикр юритган.

Иқтисодчи олим И.Е.Болехов “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар майдони. Давлат-хусусий шерикчилиги – инновацион иқтисодиёт белгиси сифатида” асарида: “ДХШ давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, – деб қайд этади.

Бундан ташқари В.Г.Варнавский, А.В.Клименко ва В.А.Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида: “ДХШ давлат ва жамоатчилик мулк объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади”, – деб таъкидлашади.

Давлат билан хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг умумий методологик жиҳатлари россиялик олимлар томонидан кўп ўрганилган. Масалан, Л.И.Абалкин, Р.А.Белоусов, А.А.Гапоненко, О.Г.Голиченко, А.В.Орджеев, В.В.Ивантер, В.А.Кабашкин, В.И.Кушлин, С.Р.Ирогов, С.Е.Пивоваров, А.В.Сидорович ва бошқалар. Шу қатори хорижий олимлар – Е.Ј.Долан, В.Марр, Ј.Стиглиц, Р.Фишер ва бошқа олимлар ва мутахассислар ушбу соҳада ўз ишларини таклиф этганлар. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик механизмида фойдаланиш имкониятлари В.Г.Арнавский, М.В.Вилисов, М.А.Дерябина, А.С.Еганян, В.А.Королев, Н.И.Иванова,

В.А.Федорович, Л.С.Черний, И.М.Шейман ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Инфратузилма лойиҳаларини ҳал қилишда давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш жиҳатларига бир қатор хорижий экспертларнинг ишларида ҳам тўхталиб ўтилган. Улар: А.Венкат Раман, А.Харрис, А.Еустаче, Жеймс Уорнер Бёркман, Ж.Strong, Манмоҳат Сингх, М.Romeo, М.Жерар ва бошқалар.

Бир қатор ишларда давлат ва хусусий капитал ўртасидаги шерикликни ривожлантириш учун давлат (муниципал) қарзлари ва кредит ресурсларидан фойдаланиш таҳлил қилинади. Булар А.В.Баженов, В.А.Белов, Д.Л.Головачев каби рус олимлари асарларида кўрилган.

Тадқиқот методологияси. Мақола таҳлил ва таққослаш методлари асосида тадқиқ этилган. ДХШ шерикчилигини ривожлантиришда сабаблар, далиллар ва статистик материал-

ларни солиштириш ва таққослаш ҳамда илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция методларига асосан кўриб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Соғлиқни сақлаш соҳасида шартномавий ДХШ муносабатларининг бир неча турлари мавжуд. Қурилиш, асбоб-ускуналар ва объектларни бошқариш бўйича шартномалардан ташқари масофавий ресурслардан фойдаланиш (аутсорсинг), инвестициялар, биргаликда молиялаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўйича шартномалар мавжуд. Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда энг кенг тарқалган ДХШ моделлари: БОЛБ8 модели ва Alzira 9. Машҳур дунё намунаси бўлган охирги модель – консорциум (хусусий) томонидан бошқариладиган шифохона ташриф буюрувчилар (фуқаролар) сонига қараб давлат бюджетидан йиллик тўловлар ундиради.

1-жадвал

Евроиттифоқ мамлакатларида давлат ва хусусий шерик ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштирилиши

№	Мамлакатлар	Умумий молиялаштиришдаги улуши
1.	Германия	1 %
2.	Ирландия	1 %
3.	Нидерландия	3 %
4.	Италия	5 %
5.	Испания	8 %
6.	Греция	10 %
7.	Португалия	19 %
8.	Дания	25 %
9.	Швеция	25 %
10.	Буюк Британия	28 %

Австрияда тиббий асбобларни стерилизация қилиш бўйича ҳамкорликнинг шартномавий схемаси амалга оширилди, бу эса ягона стерилизация марказини яратишга олиб келди. Шифохоналар учун овқатланиш соҳасидаги ДХШни эслатиб ўтиш керак. Шифохоналар учун овқат тайёрлашни оптималлаштириш ва рационализация қилиш зарурати шунга олиб келдики, Германиянинг “Charité Campus Clinic Virchow” каби клиникаларида овқат тайёрлаш бўйича шартномалар тузилди, бу эса маҳсулотларнинг арзон ва сифатли бўлишига олиб келди.

Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликка тўсқинлик қиладиган асосий сабаблар – давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг етишмаслиги ва мажбурий тиббий суғурта фондлари орқали хизматлар учун тўлов ставкаларининг пастлиги. Ривожланган мамлакатларда инвестициялар улуши соҳани умумий молиялаштиришдан харажатларнинг чорак қисмига етади. Россия Федерациясида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестициялар улуши сезиларли даражада эмас.

Шу хусусда мамлакатимизда ҳам соғлиқни сақлаш тизимида ДХШ механизмини қўллашнинг тизимли шакли қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4290-сонли 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” қарорига биноан соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида қуйидаги бир ёки бир неча шаклларни бирлаштириш орқали амалга оширилиши белгилаб берилган. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш йўналишларида амалга оширилиши кўрсатилган. Бу каби лойиҳаларда давлат билан хусусий шерик ўртасидаги шартнома 49 йилдан ошмаслиги, битим муддати яқунлангандан сўнг давлат шеригига топшири-

лиши, бу соҳаларда инвесторни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий банк муассасаларидан имтиёзли ва мақсадли кредит олиш имкониятлари белгилаб қўйилган. Мана шулар билан биргаликда, солиқ имтиёзлари ҳам хусусий ҳолатига кўра берилиши назарда тутилган. Мана шу давлат ва хусусий шерик механизмнинг фаол ишлаши бир қатор муаммолар ва иқтисодий самарани юзага келтириши мумкинлиги исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун тиббиёт соҳасига инвестиция киритадиган инвесторларни давлат томонидан рағбатлантириш асосида жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит бериш тартиби орқали молиялаштириш тизими шакллантирилди.

Ушбу жамғарма давлат-хусусий шериклик механизми асосида ташкил қилинадиган тиб-

биёт ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва хизмат сифатини ошириш учун ваколатли тижорат банкларига 10 йил муддатгача, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик ЛИБОР плюс 2 фоизга тенг, умумий миқдори 200 млн. АҚШ долларигача бўлган кредит линияларини очиш тартиби белгиланди. Бу тадбир тиббиёт соҳасида фаолият олиб бормоқчи бўлган тадбиркорга давлат билан биргаликда фаолияти самарали йўлга қўйилиши учун махсус тактиф деганидир.

Ижтимоий таъминланганлик ҳолати бўйича: аҳолининг тиббиётга бўлган эҳтиёжи қондирилади, тиббий хизмат ва тиббиётга оид техник-диагностик ҳамда дори воситаларига бўлган талаб қондирилишини таъминлайди.

Хусусий шерикка эса ўз тижорий хизматларини ташкил этиш ва кенгайтиришда давлат кўмаги, давлат имтиёзлари ҳамда давлат мулкidan фойдаланиш имконияти юзага келади.

2-жадвал

Ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар [6]

Соҳа	Лойиҳалаштирилган		Лойиҳалаштирилаётганлар	
	Тури	Лойиҳа сони	Тури	Лойиҳа сони
Соғлиқни сақлаш	Гемодиализ марказларини ташкил этиш	1	Фармкомитет ҳамкорлигида Онкология марказини ташкил этиш	1
			Реабилитация марказини ташкил этиш	1
			Кўп тармоқли шифохона қуриш	1
			Диагностика маркази	1
			Стерилизация маркази ташкил этиш	1

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги умумий қуввати йилига 90 000 радиотерапия фракциясидан кам бўлмаган тўртта амбулатор радиотерапия марказларини лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ДХШ лойиҳасини амалга оширишни 2022 йилга режалаштирган. Лойиҳа концепцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 январдаги қарори билан тасдиқланган.

Юқоридаги мақсад ва самарадорликдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан республиканинг масъул вазирлик ва идоралари билан биргаликда 2019-2021 йилларда умумий қиймати 2,9 млрд. доллар бўлган жами 265 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилди [5].

Шундан соғлиқни сақлаш соҳасида 30 та, экология соҳасида 54 та лойиҳани ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2019-2021 йиллар давомида 30 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган ва жами қиймати 35,6 млн. АҚШ доллари бўлган 28 та лойиҳа бўйича ДХШ битими имзоланган ва бу лойиҳалар амалга оширилиш жараёнида.

Бундан ташқари яна 2 та ДХШ лойиҳаси бўйича тендер босқичлари якунланиб, ДХШ битими имзоланиши арафасида.

2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган 3 та йирик лойиҳа бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан:

– Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Нурли (Radio) терапия тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди ва ҳозирда тендер ҳужжатлари тайёрланмоқда;

– Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фарғона вилоятида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси бўйича Жаҳон банкининг "Институционал салоҳиятни ошириш" кредит линияси ҳисобидан юридик маслаҳатчилар жалб этилмоқда;

Осиё Тараққиёт банкининг маслаҳат кўмагида Андижон ва Бухоро вилоятларида поликлинаика ва тиббиёт марказларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича дастлабки ўрганиш ишлари давом этмоқда.

3-жадвал

Соғлиқни сақлаш тизими бўйича бугунги кунда мавжуд лойиҳалар

Лойиҳа номи	Лойиҳа манзили	Ташаббускор	Қуввати	Қиймати (млн. дол.)	Муддати
Ўзбекистон Республикаси Гемоделиз хизматини кўрсатиш	Тошкент ш., Хоразм вил., Урганч ш., Қорақалпоғистон Рес.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1100 нафар бемор	9,7	10 йил
Стерилизация хизматини кўрсатиш	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тахтапул кўчаси, 341-А уйда жойлашган бино. Юнусобод, Олмазор, Шайхонтоҳур тумани тиббиёт муссасалари	«GRAND CROSS MEDICAL» MChJ	1 ойда хизмат кўрсатиш қуввати: 134000 та бикс жарроҳлик ва тиббий ускуналар стерилизация қилинади	5,24	10 йил
ДХШ лойиҳаси асосида инсультдан кейинги реабилитация маркази	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани	"GOLD SPORT COMPLEX" MChJ	700 нафар бемор	3,1	36 йил
Онкологик диагностика ўтказиш	Тошкент ш. Чилонзор т.	Хусусий ташаббускор "IPSUM PATHOLOGY" MChJ	1 йилда 30 000 та цитология, 25 000 та гистология, 7315 та иммунногистохимия ва 3658 та иммуннофлюоренция хизматлари кўрсатилади	0,36	10 йил

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4290-сонли (16.04.2019.) "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши билан мамлакатимиз тиббиёти инновацион ривожланиш моделига ўтди. Ушбу ҳужжат давлат ва хусусий секторнинг биргаликда фаолият юритишига имкон беради, мамлакатимизда инвесторларнинг давлат секторида фаол ҳаракат қилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай фаолият аҳолимизга нима беради? Соғлиқни сақлаш соҳасини ўз даражасида сақлаш учун тиббиёт муассасалари тегишли таъминланган ёки янги бинолар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, замонавий билим ва малакасини ошириб келаётган малакали кадрлар билан таъминланиши лозим. Лекин тан олиш керакки, тиббиётнинг барча соҳаларида бундай кенг қўламли ишларни фақат давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш осон эмас. Инвесторларни жалб этиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш орқали қисқа вақт ичида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш мум-

кин. Демак, аҳолининг ижтимоий таъминланганлигини вақтдан ютиш ва сифатини автоматик равишда яхшиланишини таъминлаш учун давлат-хусусий шерикчилик механизмини тиббиёт соҳасида кенг қўллаш самарали деган хулосага келамиз.

Шу билан биргаликда, соғлиқни сақлаш тизимига киритилаётган инвестицияларни хусусий капитал иштирокида шакллантириш ҳар икки томоннинг хатарларини камайтиради.

Ўрганишлар натижасида эндиги вазифа давлат-хусусий шерикчиликнинг муҳим аҳамиятини етарли баҳолаган ҳолда унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини оширишда қуйидагиларни жорий этишни тавсия қиламиз:

- давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил қилинаётган тиббий фаолият танлови ёки музокараларнинг очиқ, ошқора ва шаффофлигини таъминлаш;

- давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари ҳақидаги тадбиркорларнинг маълумотлар базасини кенгайтирувчи дастак ва воситалардан самарали фойдаланиш, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий ахборот воси-

талари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш;

- хусусий шериклар томонидан сарфланган инвестициялар кафиллиги ва кафолати таъминланишининг миллий базасини шакллантириш;

- олинган тажрибалар асосида ДХШ географиясини босқичма-босқич кенгайтириб бориш;

- ўз маблағлари эвазига тиббий фаолиятни амалга ошираётган хусусий шерикларга нисбатан рағбатлантирувчи восита ва усулларни қўллаш;

- давлат-хусусий шерикчилик соҳасини амалга оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ва тиббий хизматлар бозорини сегментлаш орқали ҳудудий имкониятлар ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳисобга олиниши лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Национальный центр ГЧП РФ. Деньги в медицине: насколько активно бизнес участвует в ГЧП-проектах в сфере здравоохранения. 19.03.2020 г.
2. Третьякова Екатерина Петровна. Правовые барьеры для развития медицины через ГЧП. Актуальные вопросы современного правотворчества. № 8, 2020, с. 42.
3. Руслан Довнар, Валентина Коврей. Инновационное развитие медицины с использованием механизма ГЧП как институциональная экстерналия. / №3 (205) / Март 2020 / НАУКА И ИННОВАЦИИ.
4. Нечаев В.С. Методологические особенности проектного управления государственно-частным партнерством в здравоохранении- проблемы стандартизации в здравоохранении, 5-6, 2020.
5. Давлат-хусусий шерикчилик агентлиги расмий сайти маълумотлари. <https://www.pppda.uz/4966>
6. Хайитов С.Б. Барқарор ривожланишни таъминлашда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари. // Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 5-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони ҳамда ушбу фармон билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан Давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 1 март ҳолатига қўра берган ҳисоботи. <https://www.pppda.uz/5201>
8. Ражабов Ў.Д. Соғлиқни сақлашда давлат-хусусий шерикчилик шартларининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. // Меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоя.
9. Смышляев А.В., Мельников Ю.Ю., Артемова П.В. Государственно-частное партнерство в здравоохранении и его роль в формировании новой модели медицинской организации: отечественная практика и зарубежный опыт-Проблемы экономики и юридической практики 5'2018г.
10. Федосенко Е.А. Формы государственно-частного партнерства в сфере профессионального образования. Н Мир экономики и права. № 29. 2011.
11. Колосов А.С. Экономические, институциональные и управленческие аспекты государственно-частного партнерства. / А.С.Колосов, И.Е.Рисин. / I ФЭС: Финансы, экономика, стратегия. 2011. № 29. С. 35-38.
12. "Государственно-частное партнерство: содержание, организация, управление развитием" мавзусида илмий тадқиқот диссертациясига автореферат. Муаллиф: Колосов А.С. 24.11.2011 г.
13. S&P халқаро агентлиги расмий сайти.
14. [https://stat.uz/uz/;](https://stat.uz/uz/)
15. [https://blogs.worldbank.org/;](https://blogs.worldbank.org/)
16. [https://www.spglobal.com/;](https://www.spglobal.com/)
17. [https://www.imf.org/en/;](https://www.imf.org/en/)